

**ЗАМОНАВИЙ ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА КАСАЛЛИК
НОМЛАРИНИ ИФОДАЛОВЧИ СУБСТАНТИВ ФРАЗЕМАЛАРНИНГ
ҚИЁСИЙ ТАДҚИҚИ**

Ахмаджон Хасанович АБДУЛЛАЕВ

ўқитувчи

Андижон давлат тиббиёт институти

Андижон, Ўзбекистон

abdullaevahmadzon36@mail.com

Аннотация

Мақолада инсоннинг кундалик ҳаётида кенг қўлланувчи, инглиз ва ўзбек тилларида тез-тез учраб турадиган касалликларнинг номларини ифодаловчи эпоним, топоним ва зооним компонентли субстантив фраземаларнинг структурал-семантик турлари таҳлил қилинади.

Таянч сўзлар: касаллик номини ифодаловчи субстантив фраземалар (КНИСФ).

**СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ СУБСТАНТИВНЫХ ФРАЗЕМ,
ВЫРАЖАЮЩИХ НАЗВАНИЯ БОЛЕЗНЕЙ, В СОВРЕМЕННОМ
АНГЛИЙСКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ**

Ахмаджон Хасанович АБДУЛЛАЕВ

преподаватель

Андижанский государственный медицинский институт

Андижан, Узбекистан

abdullaevahmadzon36@mail.com

Аннотация

В статье анализируются структурно-семантические типы субстантивных фразем с эпонимными, топонимическими и зоонимическими компонентами.

Ключевые слова: субстантивные фраземы, выражающие название заболевания (КНИСФ).

Қиёсланаётган инглиз ва ўзбек тилларида касаллик номини ифодаловчи субстантив фразема (КНИСФ)лар шундай сўз бирикмаларки, улар тилларда “эпоним/топоним/зооним+касаллик номи” универсал қолипига қўра ясалади ва қўлланилади.

Касаллик номини ифодаловчи эпоним компонентли субстантив фразема (КНИСФ)лар ҳақида сўз юритганда, уларнинг келиб чиқиши лотин-грек тилларидаги, шунингдек рус, инглиз ва немис тилларидаги аксарият мавжуд тиббий атамаларга бориб тақалиши билан ажralиб туради. “Эпоним”

(қадимги юончы өпвінүм - ном берувчи, лотинча heros eponimus) деб аталувчи тил ҳодисаси, бўлиб кейинги йилларда тилшунослар эътиборини ўзига янда қўпроқ торта бошлади, масалан:

- 1) Williams syndrome - Уильямс синдроми;
- 2) Fitz-Hugh-Curtis syndrome - Фитз-Хю-Кертис синдроми;
- 3) Lesch-Nyhan syndrome - Лесч-Нйхан синдроми.

Мисоллардан кўриниб турибдики, касаллик номлари уни кашф қилган, даволаган шахслар номи билан юритиляпти.

Айрим ҳолларда касаллик номи асли пайдо бўлган жой номлари – топонимлар билан боғлиқ бўлади, масалан:

- 1) Congo hemorrhagic fever virus – Конго геморрагик иситмаси вируси;
- 2) Crimean-Congo hemorrhagic fever virus- Крим-Конго геморрагик иситмаси;
- 3) Guinea worm – Гвинея қурти.

Касаллик номларини ифодаловчи зооним компонентли субстантив фразема (КНИЗКСФ)ларда касаллик номлари шу касалликка илк бор чалинган ҳайвонлар номи билан узвий боғлиқ бўлади:

- 1) Fish tapeworm – балиқ тасмали қурти;
- 2) Beef tapeworm – мол гўшти қурти;
- 3) Monkey Pox – маймун чечаги;
- 4) Cow disease – сигир касаллиги.

Бизнинг статистик таҳлилларимиз шуни кўрсатдики, тадқиқ қилинаётган субстантив фраземалар аксарияти лотин-грек асосига (70%), қолганлари эса инглиз ва рус асосига (30%) эга.

Қўйида биз инсоннинг қундалик ҳаётида тез-тез учраб турадиган касалликларнинг номини инглиз тилида ифодаловчи эпоним, топоним ва зоонимли субстантив фраземаларнинг бир муҳим жиҳати – уларнинг структурал-семантик турларини ўрганишга харакат қиласиз. Тилни ўрганувчилар томонидан бундай фраземаларнинг шакли ва маъноси

(семантика)га кўра бошқа фраземалардан фарқланиши ва уларни жонли мулоқотда адекват қўлланишини пухта билиш ва улардан онгли равишда фойдалана олиш малака ва кўникмаларини шакллантирилишига пухта замин яратади, қолаверса уларнинг структурал-семантик турларининг юқорида санаб ўтилган бошқа муҳим қирралари (лингвопрагматик, лингвокультурологик, лингвостилистик)ни тадқиқ этишга хам асос бўлиб хизмат қиласди.

Шундай қилиб, биз инглиз тилидаги мавжуд касаллик номларини ифодаловчи эпоним, топоним, зооним компонентли субстантив фраземаларнинг таркибига кўра гурухлаштиришга, уларни таснифлаб, ўзбек тилидаги муқобиллари билан чоғишишига замин яратамиз.

Таъкидлаш жоизки, биз ўз илмий изланишимизда профессор F.M.Хошимов [4] томонидан яратилган отлар таснифига таянган ҳолда, субстантемаларнинг бир тури бўлган, касалликлар номларини ифодаловчи субстантив фраземалар (КНИЭКСФ)нинг структурал турларини асос қилиб олдик ва улардан фойдаландик. Бу ўринда биз касаллик номини ифодаловчи

субстантив фразема (КНИСФ)ларнинг З тури, яъни эпоним, топоним ва зооним компонентли турлари борлигини илк бор эътироф этган ҳолда, асосан уларнинг ўзига хос жиҳатларига эътиборни қаратамиз.

Шундай қилиб, касаллик номларини ифодаловчи КНИЭКСФларни структурал-семантик белгиларига кўра, қўйидаги Зта асосий турга таснифлаштириш мумкин:

1.Касаллик номини ифодаловчи эпонимик компонентли субстантив фразема (КНИЭКСФ)лар, “эпоним+касаллик номи” моделига кўра ясаладилар ва қўйидаги “syndrome”(синдром - касаллик) сўзини ўз ичига олган КНИЭКСФ турларига бўлинадилар:

- 1) Stevens-Johnson syndrome – Стивенс-Jonson синдроми;
- 2) Aspergers syndrome – Asperger синдроми;
- 3) Carpal Tunnel syndrome – Карпал Таннел синдроми;

- 4) Down syndrome – болезнь Дауна - Даун синдроми - Даун касаллиги;
- 5) Williams syndrome – Уильямс синдроми;
- 6) Gardener syndrome – Гарднер синдроми;
- 7) Kallman syndrome – Каллман синдроми;
- 8) Kelley-Seegmiller syndrome – Kelley-Сеегмиллер синдроми;
- 9) Lesch-Nyhan syndrome - Лесч-Нйхан синдроми;
- 10) Fitz-Hugh-Curtis syndrome – Фитз-Хю-Кертис синдроми.

2. Касаллик номларини ифодаловчи топоним компонентли субстантив фразема (КНИТКСФ)лар, “топоним+касаллик номи” моделига кўра ясаладилар ва қўйидаги турларга бўлинадилар:

- a) “fever”(иситма) сўзини ўз ичига олган КНИЭКСФлар:
 - 1) Dandy fever – Break Bone fever – Dandy иситмаси – суяк синифи иситмаси;
 - 2) Dengue – Break Bone fever – Данг – суяк синифи иситмаси;
 - 3) Ebola hemorrhagic fever - Ebola геморрагик иситмаси;
 - 4) Congo hemorrhagic fever virus – Конго геморрагик иситмаси вируси;
 - 5) Crimean-Congo hemorrhagic fever virus – Крим-Конго геморрагик иситмаси;
 - 6) Marburg hemorrhagic fever – Марбург геморрагик иситмаси (Filovirus);
 - 7) Rift Valley Fever – Рифт водийси иситмаси;
 - 8) West Nile Fever – Фарбий Нил иситмаси;
 - 9) Boutonneuse fever – Бутоннеусе иситмаси;
 - 10) Brazilian purpuric fever – Бразилия пурпурик иситмаси;
 - 11) Canefield fever – Санефиелд иситмаси.
- b) “Encephalitis” (хасталик) сўзини ўз ичига олган КНИЭКСФлар:
 - 1) California group encephalitis – Калифорния гуруҳи энсефалити;
 - 2) Russian spring-summer encephalitis – рус баҳор-ёз энсефалити;

- 3) Far Eastern tick-borne encephalitis – узоқ Шарқ шомил энсефалити;
 - 4) Southern tick associated rash illness (STARI) – Жанубий шомил билан боғлиқ тошма касаллиги;
 - 5) African Sleeping Sickness – Африка уйқу касаллиги;
 - 6) Taiga encephalitis – тайга энсефалити.
1. Касаллик номини ифодаловчи зоонимик компонентли субстантив фразема (КНИЗКСФ)лар, улар “зооним + касаллик номи” моделига кўра ясаладилар ва қуидаги “*worm*”(*қурт*) сўзини ўз ичига олган КНИЗКСФларнн қуидаги турларига таснифланади:
 - 1) Guinea Worm – Гвинея қурти;
 - 2) Fish tapeworm - балиқ тасмали қурти;
 - 3) Beef tapeworm – мол гўшти қурти;
 - 4) Rat tapeworm – каламуш тасмали қурти.

Юқоридаги таҳлилларимиз инглиз ва ўзбек тилларидағи КНИЭКСФ, КНИТКСФ ва КНИЗКСФларнинг ўзига ҳос 3 хил структурал-семантик турларга таснифлаштиришга асос бўлди. Бу борада мазкур *субстантив фраземаларнинг* юзаки структураси уларнинг таркибини билдиришига, уларнинг маъноси эса “касаллик концептуал семантикаси”да ўз аксини топишига ургу берамиз.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, ҳар икки тилда уларнинг 3 та асосий структурал-семантик тури мавжуд ва улар инглиз ва ўзбек тили ҳамда маданияти социумларининг кундалик тиббий ва оддий мулоқотларида кенг қўлланиладилар.

Бизнинг 100дан ортиқ КНИСФлар юзасидан олиб борган таҳлилимиз шуни кўрсатдики, КНИСФлар структурал-семантик турлари изоморф ва алломорф жиҳатларини илк бор эътироф этишга асос бўлиб хизмат қилди, натижада уларнинг изоморф жиҳатлари қуидагилар эканлигини таъкидлаш лозим:

1)ҳар икки тилда КНИЭКСФларнинг структурал - семантические типы мавжуд ва улар “эпоним+касаллик номи”(э+кн) қолипига мувофиқ ясалади.

2)ҳар икки тилда КНИЭКСФларнинг моделилари квантитатив ва квалитатив таснифи бир хил, чунки мазкур касалликлер ҳар бир тиббий социумда, шу жумладан инглиз ва ўзбек социумларида ҳам мавжуд бўлиб, бундай холат уларнинг универсал табиатидан далолат беради.

3)КНИЭКСФларда эпоним компонент у ёки бу касални каашф қилган ва даволаган, ёки уни каашф қилган ва ўзи ундан вафот этган шахсларни, КНИТКСФларда эса топонимик компонент касаллик илк бор пайдо бўлган жой номини, КНИЗКСФлар эса у ёки бу касалликка илк бор учраган хайвонлар ёки курт-кумурсқаларни ифодалайди.

Инглиз ва ўзбек тилларида КНИЭКСФларнинг қўйидаги *алломорф* жиҳатлари эътирофга молик:

1) ҳар икки тилда КНИЭКСФларнинг бир хил “эпоним+касаллик номи”

модели орқали ифодаланган структурал-семантические типы ўхшаш бўлсада, уларнинг лисоний ифодаланиши – воқелантирилиши ҳар бир тилнинг миллий унсурлари – бирликлари орқали ўзига хос равишда курилганликлари билан тубдан фарқ килади.

2) инглиз тили анализатор тиллар турига мансублиги туфайли

КНИЭКСФларнинг юзаки структураси қурилишида анализизм қонуниятларига амал қилинади, яъни мазкур фраземалар компонентлари ўртасидаги грамматик муносабатларни ифодаловчи воситаларнинг йўқлиги, яъни улар шундай ёнма-ён қўйилиши, бу ўринда компонентлар жойлашув тартибининг роли муҳим эканлиги кўзга ташланади, яъни бундай фраземалар компонентлари қатъий тартибда жойлашиши орқали КНИЭКСФларни ташкил этадилар;

3) ўзбек тили эса агглютинатив тиллар турига даҳлдор бўлганлиги

сабабли КНИЭКСФлар компонентлари орасидаги грамматик муносабатлар агглютинатизм қонуниятларига мос равища амалга оширилади (масалан: ингл.т.: *haemophilus influenzae type b disease* ва ўзб. - *haemophilus influenzae б тиридаги* касаллик), яъни мазкур фраземалар компонентлари орасида агглютинатив воситалар (келишик, сон маркерлари қўлланилади ва сўз тартиби ҳам ўзига хос равища шакллантирилади, агар ушбу гапларни *haemophilus(1) influenzae(2) type(3) b(4) disease(5)* – Хаemoфилис(1) инфлюенза (2) **б** (4) тип (3) *и* (7) *да* (8) *ги* (9) касаллик (5) қиёсласак, уларнинг фарқлари яққол кўринади (Курсивда берилган маркерлар: *-и* (7) -қаратқич келишиги, *-да*(8*) ўрин-пайт келишиги, *-ги*(9) маълум нарсадаги, жойдаги ҳодиса, даражанинг аниқлигини ифодаловчи ўзбек тилидаги морфемик маркерлардир. Улар агглютинатив қонуниятларга кўра, у ёки бу сўзнинг ўзагига қатъий тартибда тиркалади ва ҳар бири фақат бир маълум маънони ифодалайди, улар моносемантик морфемалардир. Ваҳоланки аналитик тилларда бундай морфемалар бўлмайди, улардаги ўзига хос морфемалар доимо бирдан ортиқ маънони ифодалайди, масалан: ‘s ни олайлик, бу морфема бир вақтда бирлик ва қаратқич келишигини, -s’ эса бир вақтда қўплик ва қаратқич келишигини ифодалайди ва ҳ.к.).

Юқоридаги фикр-мулоҳазаларга асосланган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, қиёсланаётган тилларда КНИЭКСФларнинг *изоморф* жиҳатлари мазкур тилларнинг ривожланиш қонуниятлари бир хил эканлигини, яъни уларда КНИСФларга мулоқот эҳтиёжи борлигини ва ҳар бир тил энг мукаммал мулоқот воситаси сифатида шу эҳтиёжни ҳам қондиришга интилиши каби умумлисоний қонуниятлар билан изоҳланади, уларнинг *алломорф* жиҳатлари эса ҳар бир тилнинг идиоматик хусусиятлари борлигидан, шунингдек бундай хусусиятлар тил эгаларининг ўзига хос бетакрор тафаккурига бевосита боғлиқлиги билан тушунтирилади.

КНИЭКСФлар барча тилларда, шу жумладан инглиз ва ўзбек тилларида кечадиган кундалик тиббий ёки оддий нутқда *лингвокультуремалар* сифатида кенг қўлланилади, чунки улар ўзларининг денотатив (референциал) маънолари билан бир вақтда лингвокультурологик маъноларини ҳам ифодалай оладилар, бу эса уларнинг у ёки бу тил маданияти билан узвий боғлиқликларини яққол кўрсатиб беради.

Таҳлилларимиз натижалари ўлароқ, шуни айтиш мумкинки, КНИСФларнинг универсал табиатга эга эканлигини эътироф этишга тўлиқ асос бор, сабаби одам анатомияси универсал табиатга эга эканлиги ва унга боғлиқ ҳолда мавжуд касалликларнинг бутун инсониятга хос эканлигидан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш жоизки, бундай фраземалар (сўз бирикмалари) ҳар бир тилга, шу жумладан инглиз ва ўзбек тилларига ҳам хос десак муболага бўлмайди.

Хулоса қилиб айтганда, КНИСФлар тилда ифодаланган тиббиёт ва унинг ривожланиш тарихининг бир қисми бўлиб, бундай атамалар илмий тушунчаларни қисқа ва тушунарли тарзда номлаш билан бирга, маълум бир таникли шифокорнинг тиббиёт ривожига қўшган хиссасини эслатувчи ёдгорлик вазифасини ҳам бажаради. КНИЭКСФлардан фойдаланиш клиник фикрлаш ва диагностикани чуқурроқ тушунишга ёрдам беради, тиббиётнинг ривожланиш тарихини очиб беради ва шифокорнинг интеллектуал даражасини оширади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Абдуллаев А.Х. Тиббиёт терминологиясида эпонимларнинг ўрни, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (электрон) журнали, 2023 йил. №4 (42). – Б. 114-119.
2. Блау М.Г. Судьба эпонимов: 300 историй происхождения названий. Словарь-справочник. – Москва, 2010.

3. Варнавская Е. В. Статус и функционирование эпонимов в медицинской терминологии испанского языка: автореф. дис. ... канд. филол. Наук. – Воронеж: Воронеж.гос. ун-т., 2009.
4. Хошимов F.M., Абдуллаев А.Х., Касаллик номларини ифодаловчи эпотерминлар умумий назарияси хусусида // Actual problems of general and anthropocentric, digital linguistics, literary studies and methods of teaching. – Andijon, 2023- Б.549.